

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРЗИҚУЛОВ МУҚУМ ЎРАЛОВИЧ**

**ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРНИНГ СПОРТ ТАКОМИЛЛАШУВИ  
БОСҚИЧИДАГИ МАШҒУЛОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЮКЛАМАЛАРИ  
ҲАЖМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Арзикулов Муқум Ўралович**

Оғир атлетикачиларнинг спорт такомиллашуви босқичидаги машғулот  
воситалари ва юкламалари ҳажмини оптималлаштириш.....5

**Арзикулов Муқум Уралович**

Оптимизация тренировочных средств и объемов нагрузок тяжелоатлетов на  
этапе спортивного совершенствования.....27

**Arzikulov Mukum Uralovich**

Optimization of volume and loading, training methods at the stage of developing  
sport of weightlifters.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРЗИҚУЛОВ МУҚУМ ЎРАЛОВИЧ**

**ОҒИР АТЛЕТИКАЧИЛАРНИНГ СПОРТ ТАКОМИЛЛАШУВИ  
БОСҚИЧИДАГИ МАШҒУЛОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЮКЛАМАЛАРИ  
ҲАЖМИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти  
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1/PhD/Ped439 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Тўхтабоев Низомжон Турсуналиевич**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Абдиев Абдулла Носирович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Баязитов Камил Фаритович**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: [www.uzdjtsu.uz](http://www.uzdjtsu.uz), e-mail: [uzdjtsu@uzdjtsu.uz](mailto:uzdjtsu@uzdjtsu.uz). Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.)

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.Д.Халмухамедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**М.Х.Миржамолов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д., (PhD)

**Б.Б.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раис ўринбосари, п.ф.н., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида оғир атлетика спорт турининг асрлар давомида вужудга келган ҳамда шаклланган ўзига хос тарихи бўлганидек, ушбу спорт тури бўйича шу кунга қадар кўплаб мусобақалар ўтказиб келинган ва кенг оммалашган. Кўплаб мамлакатларда оғир атлетика билан шуғулланувчи спортчиларни тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг қўламли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида оғир атлетика спорт тури мавжуд, ана шунинг учун ҳам ушбу спорт турини жаҳон миқёсида янада ривожлантириш, оғир атлетикачиларни тайёрлаш тизимини илмий асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳалқаро оғир атлетика спорт мусобақаларини кузатиш натижасида шунга амин бўлиш мумкинки, оғир атлетика спорт турига хос техник-тактик ҳаракатлар ва жисмоний сифатларни такомиллаштириш юзасидан кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Айнан спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларни тайёрлаш тизимини ташкил қилиш ва бошқа масалалар юзасидан кенг қўламли илмий ишлар долзарблик касб этмоқда. Айнан спорт такомиллашуви босқичида ўқув-машғулотлар жараёнини ташкил этиш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги сабабли оғир атлетикачилар аксарият ҳолларда спорт такомиллашуви босқичидан олий спорт маҳорати босқичига ўтиш жараёнида кўплаб жароҳатлар олиши оқибатида йўқотишлар вужудга келмоқда. Таъкидлаш жоизки, спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг машғулотлар жараёнига айнан тўғри келадиган машғулот воситалари ва юкламалари бўйича илмий асосланган тавсияларнинг йўқлиги диссертация ишининг танланган йўналиши долзарблигини белгилаб беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг турли қатламларини қамраб олган самарали миллий тизим вужудга келгани ва у ҳозирданок яхши натижалар бераётгани нафақат ўзимиз, балки хорижий мутахассислар томонидан ҳам тан олинаиб, эътироф этилаётгани мазкур соҳадаги ишларнинг нақадар пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилаётганлигини кўрсатади. “Биз халқаро майдонларда Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшган спортчиларимиз билан фахрланамиз. Шу билан бирга, олий спортда эришилган ютуқлар билан чегараланмасдан, оммавий спортга катта эътибор беришимиз керак”<sup>1</sup>. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистонда ҳам оғир атлетика спорти бўйича кўплаб илмий адабиётлар яратилгани билан бир қаторда ҳали ўрганилиши зарур бўлган масалалар, яъни оғир атлетика спортини оммавийлаштириш, ёшларни ушбу спорт турига жалб қилиш, селекция ва саралаш ишлари бўйича илмий-услубий

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган” йиғилишдаги нутқи; 2018 йил 21 сентябр, Халқ сўзи газетаси, 1-2 бет

қўлланмалар яратиш, Ўзбекистон терма жамоаларига ёш иқтидорли, қобилиятли спортчиларни етказиб бериш каби ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжуд. Бугунги кунда оғир атлетикачиларнинг спорт такомиллашуви босқичида машғулот воситалари ва юкламаларининг оптимал нисбатларини илмий тадқиқ қилиш ҳамда машғулот жараёнини илмий асосда ташкил этиш зарурати юзага чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон Қарори ҳамда 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги ПҚ-2821-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтидорли спортчиларни саралаш ҳамда рақобатбардош оғир атлетикачиларни тайёрлаш, айниқса, спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачилар машғулотларида ўқув машғулотлар жараёнига янгича илмий-назарий ёндашиш муҳим муаммолар қаторига киради.

Бир қатор муаллифларнинг илмий маълумотларида спорт такомиллашуви босқичида оғир атлетикачиларнинг машғулотларида қўлланиладиган воситалар, юкламаларнинг турли-туманлиги айтиб ўтилган. Айрим мутахассислар воситалар ҳақида турлича фикрлар юритганлар ва машғулотда асослашга ҳаракат қилганлар. Тарбиянинг бошқа барча турларидаги сингари, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари жараёнида педагогик тамойиллар асосида бир қанча педагогик вазифалар ҳал этилади. Унда спортчининг саломатлик даражаси, жисмоний сифатларнинг ҳар томонлама ривожланиши, спорт маҳорати ва спортчиларнинг кундалик ҳаётига жисмоний тарбия ва спорт воситаларининг сингиб кетиши эришилган муваффақиятларнинг жиддий кўрсаткичидир.

Табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари: қуёш, ҳаво ва сув, шунингдек, гигиеник омиллар (шахсий ва жамоат гигиенаси талабларига риоя қилиниши) услубий жиҳатдан муайян мақсадни кўзда тутиб ташкил этилгандагина жисмоний тарбиянинг ўзига хос воситаси сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, улар шуғулланувчининг организмга янада самарали таъсир

кўрсатади<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам жисмоний тайёргарликда анъанавий тарзда машғулот воситалари, юкламаларини тўғри режалаштириш катта аҳамиятга эга. Бу тасодиф эмас, албатта. Қатор муаллифларнинг фикрича (Ю.В.Верхошанский, А.Н.Воробьёв, А.В.Паков, В.С.Аванесов, В.А.Нежегородов, В.В.Новиков, З.Г.Гаппаров, Р.М.Маткаримов, Л.С.Дворкин, Э.И.Қодиров, К.Ф.Баязитов, О.В.Гончарова ва бошқалар), инсон ҳаракатланишининг бутун бойлиги унинг жисмоний тайёргарлигига боғлиқ, куч асосига эга машғулотлар эса шуғулланувчиларнинг организмида самарали из қолдиради<sup>3</sup>.

Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг куч тайёргарлигида меъёрланган оғирликларнинг етакчи аҳамиятини, шунингдек, оғир атлетика спорт турида оғир атлетикачиларни тайёрлашда катта илмий-услубий тажриба тўпланганлигини эътиборга олиб, биз шундай хулосага келдикки, оғир атлетиканинг енгил ва тажрибада синалган воситаларини қўллаш спортчиларнинг куч ва ҳар томонлама тайёргарлиги вазифаларини ҳал этишда катта самара беради.

Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларда тайёргарлик ва мусобақа даврининг машғулот жараёнида вазн тоифалари бўйича қўлланиладиган воситаларга доир маълумотларни А.В.Паков, К.Ф.Баязитов, Д.Ф.Ким, Р.М.Маткаримов, Л.С.Дворкин, каби мутахассис олимларнинг тадқиқот ишларида ниҳоятда кам учратдик<sup>4</sup>.

Аммо ушбу илмий, ўқув ва услубий манбаларда мазкур диссертация мавзуси сифатида танланган оғир атлетикачиларнинг спорт такомиллашуви босқичидаги машғулот воситалари ва юкламалари ҳажмини оптималлаштириш, машғулотлар вақтида воситаларни тўғри қўллаш ва юкламаларни тўғри тақсимлаш услублари тадқиқот остига олинмаган. Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тадқиқот олдига қўйилган муаммо танланган мавзунинг долзарблигини аниқлаб беради.

<sup>2</sup> Матвеев Л.П. Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси/ Дарслик. – Тошкент, 1975. -Б.-175.

<sup>3</sup> Верхошанский В.Ю. Основы специальной силовой подготовки в спорте. - М.: Физкультура и спорт, 1977. – С. -183, -214 ст., Воробьёв А.Н. Тяжёлоатлетический спорт/–М.: физкультура и спорт 1977. –С.45., 225 с., Паков А.В. Аванесов В.С., Нежегородов В.А., Новиков В.В. Оптимизация тренировочной нагрузки в тяжелой атлетике. – Т.: Медицина, 1985.,-129 ст., Паков А.В. Гаппаров З.Г., Маткаримов Р.М. Распределение параметров тренировочных нагрузок в период подготовки сильнейших тяжелоатлетов Республики Узбекистан к Олимпийским играм а Атланте // Научно-методическое обеспечение высококвалифицированных спортсменов по итогам XXVI Олимпийских игр. Сборник научных статей. –Т., 1996. –С.47-49., Маткаримов Р.М. Тяжелая атлетика Учебник. –Ташкент: Издательско-полиграфический отдел УзГИФК, 2005.-С.-136., Дворкин Л.С. Тяжелая атлетика/ Учебник для вузов. –М.: Физкультура и спорт, 2005, -С.-137., Қодиров Э.И., Бошланғич спорт тайёргарлиги босқичида ёш оғир атлетикачилар машғулотларининг хусусиятлари. Т, 2007.,-69 с., Баязитов К.Ф. Оптимизация тренировочного процесса тяжелоатлетов высокой квалификации в годичном цикле /Дисс.пед.наук./ 2009.,-130 с., Гончарова О.В. Контрольно-нормативные требования физической подготовки спортсменов/ Учебное пособие. –Ташкент: “Лидер Пресс”, 2011. –С. -17. -264с., Баязитов К.Ф. Повышение спортивно педагогического мастерства в тяжелой атлетике. Т, 2011.,-128., Маткаримов Р.М., Оғир атлетика назарияси ва услубияти, Т, 2015.,-198 в. Дворкин Л.С., Тяжелая атлетика Том 1, -273 с., Том 2.; 2-изд., М.«Издательство Юрайт»-2017 г.,-365 с.

<sup>4</sup> Баязитов К.Ф. Оптимизация тренировочного процесса тяжелоатлетов высокой квалификации в годичном цикле /Дисс.пед.наук./ 2009.,-130 с., Ким Д.Ф. Многолетняя подготовка спортсменов в тяжелой атлетике. Методическая рекомендация. –Т.: Лидер пресс, 2009.,-50 с., Маткаримов Р.М., Оғир атлетика назарияси ва услубияти, Т, 2015.,198 в., Дворкин Л.С., Тяжелая атлетика Том 1, -273 с., Том 2.; 2-изд., М.«Издательство Юрайт»-2017 г.,-365 с.

**Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасидаги “Ўсмирлар спорти ва олий спорт такомиллашуви босқичидаги спортчиларни тайёрлашнинг руҳий–педагогик ва физиологик–гигиеник асослари” мавзусидаги илмий–тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг машғулот воситалари ва юкламалари ҳажмининг оптимал нисбатларини илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси, уларнинг машғулот воситалари ва юкламалари ҳажмини аниқлаш;

оғир атлетикачиларнинг спорт такомиллашуви босқичида қўлланиладиган машғулот воситаларини йўналиши бўйича табақалаштириш асосида машғулот дастурини ишлаб чиқиш;

оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик ва мусобақа даврларида қўлланиладиган машғулот воситалари юкламаларининг оптимал нисбатларини тажрибада исботлаш.

спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачилар учун вазн тоифалари бўйича илмий асосланган модел кўрсаткичларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг машғулот жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг машғулот воситалари ва юкламаларнинг ҳажми.

**Тадқиқотнинг усуллари** адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, анкета сўровномаси, эксперт баҳолаш, пульсометрия, педагогик тажриба, математикстатистика услублари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

оғир атлетикачиларнинг спорт такомиллашуви босқичи машғулотларини тузишда иккикураш мусобақа машқлари натижасига юқори самарада таъсир кўрсатувчи воситалар ва юкламаларнинг ҳажмлари аниқланган;

спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачилар жисмоний тайёргарлиги аниқланиб, табақалаштирилган машғулот воситалари орқали машғулот дастури ишлаб чиқилган;

спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ва спорт натижаларига самарали таъсир этувчи машғулот воситалари ва юкламалари ҳажми ва шиддатининг оптимал нисбатлари ишлаб чиқилган;

ўтказилаган тадқиқот натижасида спорт усталигига номзод спортчиларни тайёрлашнинг модел кўрсаткичлари (даст ва силтаб кўтариш учун жисмоний ҳамда техник тайёргарлик) ишлаб чиқилган.



**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг машғулотларини самарали ташкиллаштириш учун воситаларнинг оптимал нисбатлари аниқланган ва амалиётда қўллаш учун методика ишлаб чиқилган.

Мусобақа жараёнида спортчиларнинг иккикураш натижаларини ошириш мақсадида даст ва силтаб кўтариш машқини бажаришга юқори махсуслашган машғулот воситалари варианты жорий этилган.

Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг машғулот воситалари ва юкламаларини тақсимлашнинг самарали усулидан фойдаланишга доир тавсиялар асосида оғир атлетикачиларни олий спорт маҳорати гуруҳига тўлақонли ўтказиш дастури ва модел кўрсаткичлар амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва услубий база, илмий тадқиқотнинг мантиқий кетма-кетлиги, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги ватанимиз ва чет эл олимлари, шунингдек, амалиётчи тренерларнинг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги, олинган натижаларни математикстатистик таҳлил қилиш услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Илмий аҳамияти спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг машғулот воситалари ва юкламалари ҳажмининг оптимал нисбатлари белгилаб берилган ва машғулот дастури ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар давомида олинган материаллар оғир атлетика назарияси ва услубияти соҳасидаги назарий билимларни бойитишга ва кенгайтиришга имкон берган.

Амалий аҳамияти вазн тоифалари бўйича оғир атлетикачилар учун спорт усталигига номзод даражасини бажариш бўйича модел кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг машғулот воситалари юкламаларининг оптимал нисбатлари ва янги вазн тоифалари бўйича модел кўрсаткичлар ИОЗМИ, ОСММ, ЎзДЖТСУ оғир атлетикачиларининг кейинги олий спорт маҳорати босқичига соғ-саломат ўтиш жараёни самарадорлигини оширишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.**

Оғир атлетикачиларнинг спорт такомиллашуви босқичидаги машғулот воситалари ва юкламалари ҳажмини оптималлаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

оғир атлетикачилар жисмоний тайёргарлиги аниқланиб, машғулот воситалари юкламаларини тақсимлашнинг оптимал вариантлари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети оғир атлетика, велоспорт, от спорти назарияси ва услубияти кафедрасининг оғир атлетика ихтисослигида таҳсил олувчи талабалари, Республика ихтисослашган олимпия захиралари мактаб-интернати, Чирчиқ ихтисослашган олимпия захиралари мактаб-

интернати, Урганч ихтисослашган олимпия захиралари мактаб-интернати оғир атлетика ихтисослигида таҳсил олувчи ўқувчиларнинг ўқув-машғулотларига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 9 апрелдаги 02-08-08-15-сон маълумотномаси). Натижада спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг жисмоний тайёргарлиги 17,3% га ва техник тайёргарлиги 19,2% га яхшиланган;

оғир атлетикачиларнинг спорт такомиллашуви босқичи машғулотларини тузишда иккикураш мусобақа машқлари натижасига юқори самарада таъсир кўрсатувчи воситалар ва юкламаларнинг ҳажмлари Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети оғир атлетика, велоспорт, от спорти назарияси ва услубияти кафедрасининг оғир атлетика ихтисослигида таҳсил олувчи талабалари ўқув-машғулотларида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 9 апрелдаги 02-08-08-15-сон маълумотномаси). Натижада спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг жисмоний ва техник тайёргарликлари 15-17% га яхшиланган;

оғир атлетикачиларнинг жисмоний ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ва спорт натижаларига самарали таъсир этувчи машғулот воситалари, юкламалари ҳажми ва шиддатининг оптимал нисбатлари ўқув-машғулотларига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 9 апрелдаги 02-08-08-15-сон маълумотномаси). Натижада спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачилар амалиётига жорий этилган услубият ва модел кўрсаткичлардаги машқлар мажмуаси спортчиларга республика ва халқаро мусобақаларда 8 та медални қўлга киритишга имкон берган;

оғир атлетика ихтисослигидаги ўқувчиларининг ўқув машғулотларида танлаб олинган машғулот воситалари асосида ишлаб чиқилган услубияти Чирчиқ ихтисослашган олимпия захиралари мактаб-интернати ҳамда Урганч ихтисослашган олимпия захиралари мактаб-интернатининг спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчиларга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 9 апрелдаги 02-08-08-15-сон маълумотномаси). Натижада спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачилар амалиётига жорий этилган услубият спортчиларга республика ва халқаро мусобақаларда 7 тадан медални қўлга киритишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий-услубий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 131 саҳифали матн, 32 та расм, 15 та жадвал, хотима, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Муаммонинг ўрганилганлик ҳолати ва унинг методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида оғир атлетикачилар машғулот жараёни хусусияти ва йўналиши бўйича ҳар хил восита ва усуллардан фойдаланиш воситаларини тўғри таснифлаш, тизимлаштириш ва ўқув-машғулотлар жараёнида аниқ атамаларни қўллаш, умумий ва махсус жисмоний тайёргарликнинг ўзаро боғлиқлиги, бир жисмоний сифат ривожланишининг бошқа сифатларга ҳам кўчиши, оғир атлетика спортининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ устувор жисмоний сифатларнинг аҳамияти тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган.

Умумий жисмоний тайёргарлик машқлари қаторига ҳаракатланиш шаклига кўра мусобақалашув машқларига ўхшаш бўлмаган машқлар киради, улар ёрдамида спортчи организмни ҳар томонлама функционал ривожлантириш вазифаси ҳал этилади, иш қобилияти ва ҳаракатлар координациясининг умумий даражаси оширилади.

Махсус тайёргарлик машқлари таъсир кучига кўра мусобақалашув машқларига ўхшаш ёки улардан бирмунча устунроқ бўлиши лозим. Фақат шундагина шуғулланганлик ҳолатига эришиш мумкин. Махсус тайёргарлик машқлари мусобақалашув машқларидан қанча кам фарқ қилса, шунча кўп самара беради. Техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминловчи жисмоний сифатлар, уларни ривожлантиришга ёрдам берувчи машғулот воситалари ва уларни машғулот жараёнига татбиқ қилишнинг таркибий қисимларининг илмий-услубий ва физиологик моҳияти мутахассис олимлар фикр-мулоҳазалари ва хулосалари асосида очиб берилган. Машғулот ишларини бажариш, умумий ва махсус иш қобилиятини ошириш, функционал захирани тўлиқ ишга туширишни таъминлаш, спортчи организмнинг самарали мослашишига ёрдамлашиш каби масалалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги қиёсий таҳлил қилинган [А.Н Воробьёв, 1987; Ф.А.Керимов, 2001; Ю.В.Верхошанский, 2007; Э.И.Қодиров, 2007; Л.С.Дворкин, 2010; К.Ф.Баязитов, 2011; Р.М.Маткаримов, 2015 ва б.].

Оғир атлетикада қўлланиладиган техник-тактик усуллар самарадорлигини таъминловчи жисмоний сифатларни ривожлантириш усуллари бир-бири билан боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган. Оғир атлетика амалиётида спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачилар машғулот жараёнида воситаларни тўғри танлаш ва машғулот жараёнига тўғри татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканлиги, лекин бундай машғулот воситаларини танлаш юзасидан илмий-услубий ишлар етарлича ёритилмаганлиги очиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида оғир атлетикачиларнинг машғулот жараёнида машғулот воситалари ёрдамида ривожлантириш нуқтаи назардан ўта долзарб аҳамиятга эга эканлиги ва илмий-амалий муаммо тадқиқотнинг услублари, анкета сўровномаси, жисмоний тайёргарликнинг назорат машқлари вазифалари, пульсометрия, педагогик кузатувлар, педагогик назорат, машғулот фаолиятини эксперт баҳолаш, математик статистика услублари, фойдаланилган тестларнинг моҳияти ва мазмуни, уларни қўллаш услубияти ва шартлари батафсил ёритилган.

Тадқиқотлар уч босқичда ўтказилди.


I босқичда (2015-2016 йиллар) – ишчи фаразни шакллантириш, тадқиқот объектини аниқлаш, илмий текшириш усулларни танлаш ва вазифаларни шакллантириш амалга оширилди.

II босқич (2016-2017 йиллар) – Республика мураббийлари ва спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи Чирчиқ ОЗМИ, Республика ОЗМИ, Урганч ОЗМИ ўқувчи оғир атлетикачилари ва Ўзбекистон ДЖТСУ талаба оғир атлетикачилари ўртасида анкета сўрови ўтказилди.

III босқич (2017-2018 йиллар) – асосий тажриба. Танлаб олинган машғулот воситалари орқали машғулот услубияти ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Тадқиқотда иштирок этган спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионатларидаги иштроки натижалари орқали машғулот восита ва юкламаларининг оптимал нисбатлари ўз исботини топди.

Диссертациянинг **“Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг машғулот воситалари ва юкламалари хажмининг оптимал нисбатлари”** деб номланган учинчи бобида спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг машғулот жараёнида воситалар ва юкламаларни табақалаштириш, спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачилар учун танлаб олинган машғулот воситалари ва дастури ёритилган.

Тадқиқотга жалб қилинган тажриба гуруҳи оғир атлетикачиларининг тадқиқотдан олдинги жисмоний тайёргарлик ҳолати юқоридаги назорат машқлари орқали текшириб кўрилди ва натижалар диаграмма кўринишида келтирилган (1-расмга қаранг).



**1-расм. Тажиба гуруҳи спортчиларининг тадқиқотдан олдинги жисмоний тайёргарлик ҳолати (n=16)**

**Изоҳ:** ТЖУС-турган жойдан узунликка сакраш, ШБК-штангани белгача тортиш, ШБЎТ-штанга билан ўтириб-туриш, КШСК-кўкрақдан штангани сиқиб кўтариш.


1-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан узунликка сакраш машқидаги ўртача натижаси 233,3 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 191,2 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 181,3 кг ни, кўкрақдан сиқиб кўтариш машқида эса 78,7 кг ни ташкил қилди.

2-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан узунликка сакраш машқидаги ўртача натижаси 235,3 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 194,3 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 185,6 кг ни, кўкрақдан сиқиб кўтариш машқида эса 77,5 кг ни ташкил қилди.

3-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан узунликка сакраш машқидаги ўртача натижаси 234,5 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 189,5 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 184,4 кг ни, кўкрақдан сиқиб кўтариш машқида эса 79,4 кг ни ташкил қилди.

4-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан узунликка сакраш машқидаги ўртача натижаси 231,3 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 190,2 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 185,3 кг ни, кўкрақдан сиқиб кўтариш машқида эса 80,5 кг ни ташкил қилди.

Тадқиқотга жалб қилинган назорат гуруҳи оғир атлетикачиларининг тадқиқотдан олдинги жисмоний тайёргарлик ҳолати юқоридаги назорат машқлари орқали текшириб кўрилди ва натижалар диаграмма кўринишида келтирилган (2-расмга қаранг).



**2-расм. Назорат гуруҳи спортчиларининг тадқиқотдан олдинги жисмоний тайёргарлик ҳолати (n=16)**

**Изоҳ:** ТЖУС-турган жойдан узунликка сакраш, ШБК-штангани белгача тортиш, ШБЎТ-штанга билан ўтириб-туриш, КШСК-кўкракдан штангани сиқиб кўтариш.

1-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан сакраш машқидаги ўртача натижаси 231,2 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 189,2 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 182,3 кг ни, кўкракдан сиқиб кўтариш машқида эса 77,6 кг ни ташкил қилди.

2-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан узунликка сакраш машқидаги ўртача натижаси 233,4 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 193,4 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 184,2 кг ни, кўкракдан сиқиб кўтариш машқида эса 78,4 кг ни ташкил қилди.

3-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан узунликка сакраш машқидаги ўртача натижаси 235,3 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 192,5 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 183,2 кг ни, кўкракдан сиқиб кўтариш машқида эса 77,8 кг ни ташкил қилди.

4-гуруҳдаги 4 нафар оғир атлетикачининг турган жойдан узунликка сакраш машқидаги ўртача натижаси 231,4 см ни, штангани белгача кўтариш машқида 188,4 кг ни, штанга билан ўтириб-туриш машқида 185,3 кг ни, кўкракдан сиқиб кўтариш машқида эса 76,5 кг ни ташкил қилди.

Тадқиқотдан олдин тажриба ва назорат гуруҳлари спортчиларининг назорат машқларида кўрсатган натижалари фарқи куйдагича бўлди. Турган жойдан узунликка сакраш машқида тажриба гуруҳи спортчиларининг ўртача натижаси 233,6 см, назорат гуруҳи спортчиларининг ўртача натижаси 232,8 см, фарқ 0,8 см ни ташкил қилди. Штангани белгача кўтариш машқида тажриба гуруҳи спортчиларининг ўртача натижаси 191,3 кг, назорат гуруҳи

спортчиларининг ўртача натижаси 190,8 кг, фарқ 0,5 кг ни ташкил қилди. Штанга билан ўтириб-туриш машқида тажриба гуруҳи спортчиларининг ўртача натижаси 184,1 кг, назорат гуруҳи спортчиларининг ўртача натижаси 184 кг, фарқ 0,1 кг ни ташкил қилди. Штангани кўкракдан сиқиб кўтариш машқида тажриба гуруҳи спортчиларининг ўртача натижаси 79 кг, назорат гуруҳи спортчиларининг ўртача натижаси 77,5 кг, фарқ 1,5 кг ни ташкил қилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари спортчиларининг тадқиқотдан олдинги жисмоний тайёргарлик ҳолати бир хил даражада эканлиги аниқланди.

Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг тайёргарлик даври учун икки ойлик машғулот дастури

Турган жойдан узунликка сакраш машқи ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4-5-такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 1080 марта сакраш амалга оширилди.

Турган жойдан баландликка сакраш машқи ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4-5 марта такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 1080 марта сакраш амалга оширилди.

Штанга билан олдинга эгилиш машқи ҳар ойда 6 кун режалаштирилди. Бу машқ ҳар бир спортчининг даст кўтаришдаги натижасидан 30 % миқдордаги оғирликда штанга билан 10 марта олдинга эгилиш 4 та такрорлаш орқали амалга оширилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 480 марта 30 % оғирликда штанга билан олдинга эгилиш амалга оширилди.

Чалқанча ётган ҳолатда гавдани олдинга кўтариш ва тушириш (қорин мушакларини ривожлантириш) машқи ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4-5 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 1080 марта амалга оширилди.

Тренажерда эгилиш (бел мушакларини ривожлантириш) машқи ҳар ойда 12 кун 10 мартадан 4-5 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 1080 марта амалга оширилди.

Турникда тортилиш машқи ҳар ойда 6 кун 10 мартадан 3 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 360 марта тортилиш амалга оширилди.

Брусларда қўлларни букиб-ёзиш машқи ҳар ойда 6 кун 10 мартадан 3 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 360 марта амалга оширилди.

Эгилувчанлик машқларига ҳар ойда 20 кун 10 дақиқадан вақт ажратилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 40 кунда 6 соат 66' дақиқа амалга оширилди.

Футбол спорт турига ҳар ойда 2 кун 30 дақиқадан вақт ажратилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 4 кунда 2 соат амалга оширилди.

Сузиш спорт турига ҳар ойда 2 кун 30 дақиқадан вақт ажратилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 4 кунда 2 соат амалга оширилди.

Даст кўтариш машқи ҳар ойда 14 кун асосий 4-шиддат зонасида

270 марта штангани кўтариш сони (ШКС) бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 28 кун 540 марта ШКС амалга оширилди.

Тиззадан даст кўтариш машқи ҳар ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 140 марта штангани кўтариш сони бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кун 280 марта ШКС амалга оширилди.

Кўйғичдан даст кўтариш машқи ҳар ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 140 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кун 280 марта ШКС амалга оширилди.

Ярим ўтириб даст кўтариш машқи ҳар ойда 6 кун асосий 3-4-шиддат зоналарида 76 марта штангани кўтариш сони (ШКС) бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 12 кун 152 марта ШКС амалга оширилди.

Тик ҳолатга даст кўтариш машқи ҳар ойда 6 кун асосий 3-4-шиддат зоналарида 76 марта штангани кўтариш сони (ШКС) бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 12 кун 152 марта ШКС амалга оширилди.

Штангани даст кўтариш кенглигида белгача кўтариш машқи ҳар ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 120 марта штангани кўтариш сони бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кун 240 марта ШКС амалга оширилди.

Кўкракда штанга билан ўтириб-туриш машқи ҳар ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 120 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кун 240 марта ШКС амалга оширилди.

Елкада штанга билан ўтириб-туриш машқи ҳар ойда 14 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 168 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 28 кун 336 марта ШКС амалга оширилди.

Силтаб кўтариш машқи ҳар ойда 14 кун асосий 4-шиддат зонасида 270 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 28 кун 540 марта ШКС амалга оширилди.

Тиззадан кўкракка кўтариш машқи ҳар ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 140 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кун 280 марта ШКС амалга оширилди.

Ярим ўтириб кўкракка кўтариш машқи ҳар ойда 6 кун асосий 3-4-шиддат зоналарида 76 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 12 кун 152 марта ШКС амалга оширилди.

Кўкракдан силтаб кўтариш машқи ҳар ойда 6 кун асосий 2-3-шиддат зоналарида 76 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 12 кун 152 марта ШКС амалга оширилди.

Бош орқасидан силтаб кўтариш машқи ҳар ойда 6 кун асосий 2-3-шиддат зоналарида 76 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 12 кун 152 марта ШКС амалга оширилди.

Кўкракдан швунг усулида силтаб кўтариш машқи ҳар ойда 10 кун асосий 2-3-шиддат зоналарида 140 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кун 280 марта ШКС амалга оширилди.

Кўкракдан швунг усулида сиқиб кўтариш машқи ҳар ойда 4 кун асосий



2-3-шиддат зоналарида 48 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 8 кун 96 марта ШКС амалга оширилди.

Штангани силтаб кўтариш кенглигида белгача кўтариш машқи ҳар ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 120 марта ШКС бажарилди. Умумий 2 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кун 240 марта ШКС амалга оширилди (1-жадвалга қаранг).

**1- жадвал**

**Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг 8 ҳафталик тайёргарлик даври учун асосий воситаларда машғулотлар юкламаси ҳажми (ШКС)**

Даври	Ҳафталар	Мусобақа даст кўтариш	Махсус ёрдам берувчи Д/к воситалари	Мусобақа силтаб кўтариш	Махсус ёрдам берувчи С/к воситалари	Штангани белгача кўтариш машқлари	Ўтириб туриш машқлари	Сакраш машқлари	Жами
Тайёргарлик	1-8	540±19	864±26	540±18	736±23	520±12	612±21	2160±31	5972±41
<b>Жами:</b>	<b>8 ҳафта</b>	<b>540±19</b>	<b>864±26</b>	<b>540±18</b>	<b>736±23</b>	<b>520±12</b>	<b>612±21</b>	<b>2160±31</b>	<b>5972±41</b>

Спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачиларнинг мусобақа даври учун 1 ойлик машғулот дастури

Турган жойдан баландликка сакраш машқи мусобақа даври учун ойда 10 кун 10 мартадан 4-5 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 1 ойлик тайёргарлик жараёнида 460 марта сакраш амалга оширилди.

Пресс (қорин мушакларини ривожлантириш) машқи мусобақа даври учун ойда 10 кун 10 мартадан 4-5 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 1 ойлик тайёргарлик жараёнида 460 марта амалга оширилди.

Тренажёрда эгилиш (бел мушакларини ривожлантириш) машқи мусобақа даври учун 10 кун 10 мартадан 4-5 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 1 ойлик тайёргарлик жараёнида 460 марта амалга оширилди.

Турникда тортилиш машқи мусобақа даври учун ойда 6 кун 10 мартадан 3 та такрорлашлар билан бажарилди. Умумий 1 ойлик тайёргарлик жараёнида 180 марта тортилиш амалга оширилди.

Эгилувчанлик машқларига мусобақа даври учун ойда 20 кун 10 дақиқадан вақт ажратилди. Умумий 1 ойлик тайёргарлик жараёнида 20 кунда 3 соат 33' дақиқа амалга оширилди.

Даст кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 18 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 324 марта ШКС бажарилди.

Тиззадан даст кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 140 марта ШКС бажарилди.

Кўйғичдан даст кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 10 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 140 марта ШКС бажарилди.

Ярим ўтириб даст кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 6 кун асосий 3-4-шиддат зоналарида 76 марта ШКС бажарилди.

Тик ҳолатга даст кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 6 кун асосий 3-4-шиддат зоналарида 76 марта ШКС бажарилди.

Штангани даст кўтариш кенглигида белгача кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 10 кун асосий 5-6-шиддат зоналарида 120 марта ШКС бажарилди.

Кўкракда штанга билан ўтириб-туриш машқи мусобақа даври учун ойда 18 кун асосий 5-6-шиддат зоналарида 216 марта ШКС бажарилди.

Елкада штанга билан ўтириб-туриш машқи мусобақа даври учун ойда 6 кун асосий 5-6-шиддат зоналарида 108 марта ШКС бажарилди.

Силтаб кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 18 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 324 марта ШКС бажарилди.

Ярим ўтириб кўкракка кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 6 кун асосий 3-4-шиддат зоналарида 76 марта ШКС бажарилди.

Кўкракдан силтаб кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 6 кун асосий 4-5-шиддат зоналарида 76 марта ШКС бажарилди.

Кўкракдан швунг усулида силтаб кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 10 кун асосий 2-3-шиддат зоналарида 150 марта ШКС бажарилди.

Кўкракдан швунг усулида сиқиб кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 4 кун асосий 2-3-шиддат зоналарида 88 марта ШКС бажарилди.

Штангани силтаб кўтариш кенглигида белгача кўтариш машқи мусобақа даври учун ойда 10 кун асосий 5-6-шиддат зоналарида 120 марта ШКС бажарилди.

Дастурда танлаб олинган машғулот воситалари ва машғулот юкламаларининг оптималлаштирилган ҳажми, уларни машғулотлар жараёнида қўллаш усуллари батафсил ёритилган (2-жадвалга қаранг).

## 2- жадвал


**Спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи оғир атлетикачиларнинг 4 хафта мусобақа олди даври учун асосий машқ гуруҳларидаги машғулотлар юкламаси ҳажми (ШКС)**

Даври	Хафталар	Мусобақа даст кўтариш	Махсус ёрдам берувчи Д/к воситалари	Мусобақа силтаб кўтариш	Махсус ёрдам берувчи С/к воситалари	Штангани белгача кўтариш машқлари	Ўтириб туриш машқлари	Сақраш машқлари	Жами
Мусобақа	1-4 чи	324±11	432±7	324±8	302±13	200±10	288±10	460±17	2330±23
<b>Жами:</b>	<b>4 хафта</b>	<b>324±11</b>	<b>432±7</b>	<b>324±8</b>	<b>302±13</b>	<b>200±10</b>	<b>288±10</b>	<b>460±17</b>	<b>2330±23</b>

Диссертациянинг “Тажриба-тадқиқот ишларининг самарадорлиги асосида спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачилар учун модел кўрсаткичлар ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи бобида спорт такомиллашуви босқичидаги оғир атлетикачилардан жалб қилинган тажриба (ТГ) гуруҳининг 16 нафар ва назорат (НГ) гуруҳининг 16 нафар спортчиларининг натижалари таҳлил этилган. Тажриба давомида тажриба гуруҳи оғир атлетикачилари танлаб олинган воситалардан иборат ишлаб чиқилган машғулот дастурини тўлиқ бажаришди.

Тадқиқот мобайнида биз томонимиздан ишлаб чиқилган тайёргарлик ва мусобақа даври машғулот дастурини мунтазам бажариб борган тажриба гуруҳи спортчилари жисмоний тайёргарлик, даст кўтариш, силтаб кўтариш бўйича спорт талабларини бажаришди ва олий спорт маҳорати гуруҳига муваффақиятли ўтишди.

Тадқиқотга жалб қилинган тажриба гуруҳи оғир атлетикачиларининг тадқиқотдан кейинги жисмоний тайёргарлик ҳолати юқоридаги назорат машқлари орқали текшириб кўрилди ва натижалар диаграмма кўринишида келтирилган (3-расмга қаранг).



**3-расм. Тажриба гуруҳи спортчиларининг тадқиқотдан кейинги жисмоний тайёргарлик ҳолати (n=16)**

**Изоҳ:** ТЖУС-турган жойдан узунликка сакраш, ШБК-штангани белгача тортиш, ШБЎТ-штанга билан ўтириб-туриш, КШСК-кўкракдан штангани сиқиб кўтариш.


